Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2025 йил
25 апрел,
жума
№ 17 (1051)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: БОЙ ТАРИХИЙ МУШТАРАКЛИКДАН ЁРҚИН УМУМИЙ КЕЛАЖАК САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов 23-24 апрель кунлари ташриф билан Самарқанд шаҳрида бўлди.

Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар 24 апрель куни бўлиб ўтди. “Буюк ипак йўли” мажмуаси Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Учрашув аввалида Туркманистон етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорлик барча йўналишларда, шу жумладан, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда самарали мулоқот олиб борилмоқда. Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, Ишбилармонлар кенгаши, Ҳудудлар форуми, маданият кунлари, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,1 миллиард долларни ташкил этди. Пойтахтларда савдо уйлари очилиб, юк ташиш ҳажми ошмоқда. Яқин йилларда товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро манфаатли кооперация ривожланмоқда. Биргаликда “Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо зонаси ташкил этилмоқда.

Фаол ҳудудлараро мулоқотлар йўлга қўйилган, маданий-гуманитар алмашинув бўйича катта дастурлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда Хива шаҳрида учинчи Ҳудудлар форумини ҳамда Ўзбекистонда Туркманистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари минтақавий шерикликка доир масалалар, шу жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматидаги бўлажак саммитлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” доирасида жорий йил декабрь ойида Ашхобод шаҳрида ўтказиладиган форум ва бошқа халқаро тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Туркман халқининг миллий етакчисига унинг қаламига мансуб “Тафаккур гавҳари” китобининг ўзбек тилидаги нусхасини топширди.

Икки томонлама музокаралар якунида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовга Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат мукофоти – “Олий Даражали Дўстлик” орденини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотни топширар экан, Гурбангули Бердимуҳамедовнинг қардош мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдаги улкан хизматларини эътироф этди.

– Қардош Туркманистоннинг барча улкан ютуқлари, кенг кўламли янгиланишлари ва халқаро майдондаги нуфузи юксалиши Сизнинг номингиз билан чамбарчас боғлиқ, – деди Ўзбекистон Президенти.

Туркманистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, аҳоли фаровонлиги изчил юксалмоқда.

Президентимиз Туркман халқининг миллий етакчиси томонидан илгари сурилаётган глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлидаги халқаро ташаббусларни алоҳида қайд этди. Гурбангули Бердимуҳамедовнинг шахсий саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон – Туркманистон муносабатлари бугунги кунда юксак даражага чиққани, ҳақиқатан, намунавий тус олгани таъкидланди.

– Шахсан Сизнинг кўмагингиз билан 2017 йилда давлатларимиз стратегик шериклигининг мустаҳкам асоси яратилди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимиз парламентлари, ҳукуматлари, ҳудудлари, ишбилармонлари, жамоатчилиги, зиёлилари ва ёшлари ўртасида фаол мулоқотлар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик юксак эътирофга лойиқ. Масалан, ўтган йили Ашхобод ва Тошкентда Махтумқули асарларининг ўзбек тилидаги тўплами тақдимот қилинди, шунингдек, Ашхобод халқаро кинофестивалида ўзбек-туркман бадиий филмининг премьераси бўлиб ўтди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром учун Президент Шавкат Мирзиёев ва ўзбек халқига миннатдорлик изҳор этди. Азалдан қардош бўлиб, яқин қўшничилик анъаналари асосида яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиши, бу эзгу ишга ҳисса қўшиш у учун шараф эканлигини таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққанлар Гурбангули Бердимуҳамедовга Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти топширилиши кўп миллатли халқимизнинг атоқли давлат арбоби, бугунги Туркманистоннинг миллий етакчиси ва меъмори сифатида унга нисбатан самимий ҳурмат-эҳтироми ифодаси бўлганини таъкидладилар.

Расмий тадбирлар якунлангач, Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимуҳамедов Конгресс марказининг Фахрий меҳмонлар хиёбонида биргаликда эман дарахтини экдилар.

(Давоми 2-бетда) ▶

Яқинда давлатимиз раҳбарининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

■ Моҳият

КОРРУПЦИЯ — *жамият ривожидаги хавфли иллат*



Зумрад БЕКАТОВА,

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Мазкур ҳужжатлар жорий йил 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга қаратилган. Бунда коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизимни жорий этган ҳолда, ушбу масалага жамоатчилик, парламент ва фуқаролик жамияти институтларини кенг сафарбар этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ишини янгича тизим асосида ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Нодавлат-нотижорат ТАШКИЛОТЛАРИ давлат томонидан янада қўллаб-қувватланади



Янги Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.



Мавлуда ХЎЖАЕВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Хусусан, 2017-2024 йилларда фуқаролик жамияти институтларини бевосита қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган 64 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Янги Ўзбекистонда қонунийлик ва адолатни таъминлаш, демократик жамият қуриш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш мақсадида, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда юридик таълимда изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнларда илмий-назарий билим ва амалий тажрибанинг уйғунлигини таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланмоқда. Ана шундай ислоҳотлар шароитида таниқли олима, юридик фанлар доктори, профессор Мавжуда Ражабованинг ҳаёти ва фаолияти ёрқин намуна бўла олади.

■ Эҳтиром

Салоҳият, садоқат ва фидокорлик намунаси



Профессор Мавжуда Ражабованинг нафақат суд-ҳуқуқ соҳасидаги амалий фаолияти, балки юридик таълим ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳам эътиборлидир. Унинг прокурор, судья ва сенатор сифатидаги фаолияти, шу билан бирга, Ички ишлар вазирлиги академиясида профессор сифатидаги педагогик меҳнати бугунги кунда юқори малакали, ватанпарвар ва малакали ҳуқуқий билимга эга кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.


(Давоми 3-бетда) ▶

■ Шарҳ

Маъмурий суд иши юритуви

янги қонун лойиҳаси асосида янада такомиллаштирилмоқда


Мамлакатимизда маъмурий юстиция тизимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2025 йил 30 январда қабул қилинган “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.



Бугунги кунда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига тақдим этилган. Қуйида шу ҳақда фикр юритамиз.

Айтиш керакки, қонун лойиҳаси билан маъмурий суд ишларини юритиш принциплари қаторига “ишончни ҳимоя қилиш принципини” киритиш таклиф этилмоқда. Айни янги нормага биноан, виждонан ҳаракат қилувчи шахснинг давлат органининг қарори ё мансабдор шахснинг ҳаракати қонуний эканлигига бўлган ишончи қонун билан қўриқланади.

(Давоми 2-бетда) ▶



Нодира ҲАКИМОВА,


Олий суд судьяси

● *Тарих тилсимлари*

ҚОДИРИЙНИ йиғлатган Кумуш

(Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида" китобидан айрим боблар)

◀ (Бошланиши ўтган сонда)



Роман янги босилиб чиққач (10 000 нусха), дўконларда кўп турмай, тезда сотилиб кетади. Талаб кўп бўлганиданми, кетма-кет қайта нашр ҳам этилади. Фурсатдан фойдаланиб, баъзан қўлдан-қўлга сотиш ҳоллари бўлганлигини ҳам ҳикоя қилишади. Мен ёшлигим учун бу томонларини унча билмайман. Аммо шундай бир ҳолни хотирлайман:

...дадамнинг Чорсудаги катта холаси — Моҳира холанинг Алимат исмли (биз у кишини Алимат тоға дердик) зўр қўйчивон бир ўғли бўлиб, у Октябрь инқилобидан анча аввал савдо важи билан Ғулжа шаҳрига бориб, ўша ерда бола-чақа орттириб, турғун бўлиб қолади (у оқиш танли, соч-соқоллари оқариб, анча кексайиб қолган киши эди). Ана шу Алимат тоға баъзи йиллари Ғулжадан Тошкентга қўй ҳайдаб келтириб сотар, қариндош-уруғларни кўрар, бозор-ўчар қилар ва яна қайтиб кетар эди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида қатъият билан олиб борилаётган туб ислоҳотлар қонун устуворлиги ва одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Хусусан, маъмурий суд ишларини тафтиш тартибида кўриш амалиётининг амалга жорий этилгани суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда муҳим ўрин тутмоқда.

● *Қонун кўмаги*

Низоли қарор *судда қонуний ечим топди*



Бу фикрларимизнинг тасдиғи сифатида ҳаётий бир мисолга эътибор қаратамиз. Яъни “Моҳир қўллар” масъулияти чекланган жамият мутасаддилари судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Хоразм вилояти солиқ бошқармасининг 2024 йил 1 апрелдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Аммо ушбу даъво аризаси Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 12 июндаги ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад этилган. Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 29 июль, шунингдек, вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 22 октябрдаги қарорлари билан биринчи босқич суди қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Шундан сўнг масъулияти чекланган жамият мутасаддилари Олий судга тафтиш тартибида мурожаат қилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

■ Шарҳ

МАЪМУРИЙ СУД ИШИ ЮРИТУВИ

янги қонун лойиҳаси асосида янада такомиллаштириллмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Гарчанд шу каби қоида Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топган бўлса-да, иқтисодиёт ва тадбиркорлик изчил ривожланаётган давлатимиз учун жамиятда тадбиркорлар ва инвесторлар барқарорлигининг қўшимча ҳуқуқий кафолати сифатида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда ҳам принцип даражасида белгиланишига давр талаби сифатида қаралмоқда.



Шу мақсадда янги қонун лойиҳаси билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 188-моддасини янги хатбоши билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Маълумки, ушбу модда маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари ё ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасининг хусусиятларига бағишланган.

Қонун лойиҳасидаги янги хатбошига кўра, манфаатдор шахснинг ишончи ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, суднинг ҳал қилув қарори асосида юзага келган оммавий ҳуқуқий муносабатлар тугатилиши ушбу шахс ўз мулкидан маҳрум бўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келмаслиги лозимлиги ҳақидаги қоида ҳам киритилиши таклиф этилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маъмурий актга бўлган ишончни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгиловчи қоидалар Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуннинг 16, 59-моддаларида ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида назарда тутилган кейинги процессуал янгилик бу — дастлабки эшитув институти жорий этилиши ҳисобланади.

Унга кўра, маъмурий органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида йигирма кундан ошмаган муддатда дастлабки эшитув ўтказилиши ва бу жараёнда судья қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши белгиланмоқда:

1) аризачининг талаблари ва жавобгарнинг эътирозларини аниқлаштиради;

2) аризадаги камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

3) талабларни исботлаш учун аризачига зарур далиллар ҳамда жавобгарга фикрни ёзма равишда тақдим этиш бўйича тушунтиришлар беради;

4) аризадаги талаблар ва ишдаги далилларга дастлабки ҳуқуқий баҳо беради (талабларни аниқлаштириш, ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш, қўшимча жавобгарни жалб қилиш ва бошқалар бўйича).

Дастлабки эшитув натижасига кўра, аризани кўрмасдан қолдириш ёки иш бўйича суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқарилиши таклиф этилмоқда.

Фикримизча, айнан шу босқич суднинг фаол иштироки тамойилини амалга оширишга кўп жиҳатдан имкон беради.

Бундан ташқари Маъмурий суд ишларини юритиш кодексига киритилиши таклиф этилаётган навбатдаги катта янгиликлардан яна бири бу жавобгарнинг суд муҳокамасидаги иштироки мажбурий қилиб белгиланишига қаратилган янги тартиб ҳамда бунинг ҳуқуқий кафолати сифатида, янгича процессуал мажбурлов чоралари жорий этилиши ҳисобланади.

Шу муносабат билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 14-боби процессуал мажбурлов чораларига бағишланмоқда.

Маълумот учун: бугунги кунда маъмурий процессуал қонунчилигида мажбурлов чораси сифатида суд жаримаси назарда тутилган бўлса-да, у фақатгина суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаган мутахассисга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Бироқ суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаган жавобгарга нисбатан эса, кодексда бирон-бир мажбурлов чоралари назарда тутилмаган.

Янги қонун лойиҳаси билан киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, судларнинг процессуал мажбурлов чоралари кўпайтирилмоқда. Жумладан, огоҳлантириш, суд залидан чиқариб юбориш ва мажбурий келтириш каби чораларини қўллаш тартиблари белгиланмоқда. Мажбурий келтириш чорасининг ижроси суд ажримига асосан, ички ишлар органи томонидан таъминланиши назарда тутилмоқда.

Бинобарин, суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаган жавобгарга нисбатан суд жаримаси, шунингдек, мажбурий тартибда келтириш чораларининг қўлланилиши имконияти самарали ислоҳотлардан бири сифатида баҳоланмоқда.

Бундан ташқари маъмурий судларга — раислик этувчининг кўрсатмаларига риоя этмаган, суд мажлисида тартибни бузган ёки судга бошқа кўринишда ҳурматсизлик қилган шахсларни бундай тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш ваколати ҳам берилиши назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бундай ваколат фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларда мавжуд.

Хулоса ўрнида айтсак, юқорида баён этилган ислоҳотлар пировард натижасида маъмурий судлар маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларини ноқонуний қарорлар ва ҳаракатлардан том маънода тийиб турувчи судга айланишига ҳамда ушбу самарали механизмлар яқин келажакда ўзининг ижобий натижаларини беришига хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: БОЙ ТАРИХИЙ МУШТАРАКЛИКДАН ЁРҚИН УМУМИЙ КЕЛАЖАК САРИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маросим икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, Ўзбекистон – Туркманистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш борасидаги қатъий интилишнинг рамзи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан бирга Самарқанддаги халқаро туризм марказида ташкил этилган “Замонлар садоси” кўргазмасига ташриф буюрдилар.

Меҳмонларга кўргазманинг асосий қисми – тунги саҳро манзараси намойиш этилди. Юлдузли осмонда буржлар, Мирзо Улуғбек харитаси ва меридианлар намоён бўлади. Томошабин худди Буюк Ипак йўли бўйлаб ҳаракатланаётган карвон каби қум тепаликлар орасидан ўтади. Йўл бўйлаб инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи ёритиб борилади.

Йўлда туркман ўтови учрайди. Туркман бахшисининг қўшиғи янграйди.

Ўзбек ва туркман аёллари, бири сўзана тикса, иккинчиси туркман гиламини тўқийди.

Усталар ва бунёдкорлар шаҳрида рассомлар, ҳунармандларнинг нозик дид ва юксак маҳорат билан яратилган ижодий асарлари намоён бўлади.

Ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросида дутор ва танбур чалинди, буюк шоирлар Алишер Навоий ва Махтумқули ғазаллари ўқилди.

Инновацион тақдимотда махсус жилолар ва театрлаштирилган саҳналар кенг қўлланилгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш мумкинки, мазкур кўргазма – биродарлик тарихи, ўтмишдан дарс олиб, келажакни ҳамкорликда қуриш сари чақириқ. Халқларни яқинлаштириш учун кўпроқ кўприклар керак бўлган бир пайтда, ана шундай экспозиция орқали қўшни мамлакатга “бизни фақат тарих эмас, балки умумий келажак бирлаштиради” дея олиш – юқори дипломатия намунасидир.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов юртимизга амалга оширган ташрифи якунланди. Олий мартабали меҳмонни Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Ҳеч шубҳасиз, Туркман халқи миллий етакчисининг мамлакатимизга ташрифи ва давлатимиз раҳбари билан ўтказган самарали музокаралари Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга ҳамда азалий қардош ўзбек ва туркман халқларининг дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан тарихий аҳамият касб этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОЕВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

■ Жамиятимиз мақсади

Нодавлат-нотижорат ТАШКИЛОТЛАРИ

давлат томонидан янада қўллаб-қувватланади



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу, шубҳасиз, мазкур соҳани ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ва институционал база яратилганини тасдиқлайди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга биринчи марта фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди. Хусусан, Конституциямизнинг 69-моддасида фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади, деб мустаҳкамлаб қўйилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг демократик ташкилий-ҳуқуқий тизими яратилиши натижасида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан сўнгги тўрт йилда 2 минг 934 та лойиҳа қўллаб-қувватланган. Янада муҳими, бу кўрсаткич 2008–2016 йилларга нисбатан 30 баробар ортган.

Нодавлат-нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш божлари ўртача икки баробар пасайтирилди. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўз тадбирларини ўтказишда адлия органининг рухсатини олишига оид талаб бекор қилиниб, уларнинг фаолият эркинлиги янада мустаҳкамланди.

Шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан маблағларни жалб қилиш жараёнлари соддалаштирилди. Жумладан, маблағ олиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддати 40 кундан 15 кунга қадар қисқартирилди.

Бундан ташқари махсус ҳисоб рақам очиш талаби бекор қилиниб, адлия органлари билан келишмасдан олинадиган маблағ миқдори 5 баробарга оширилди. Натижада сўнгги 7 йилда нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан жалб этилган халқаро грантлар миқдори 125 миллион доллардан ошди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган ялпи мажлисида **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. Қуйи палатанинг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу негизда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги **“Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш”** деб номланган 197[8]-модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра:

• давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда;

• худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, ушбу кодексни “Жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаслик” номли 198[7]-модда билан ҳам тўлдириш таклиф этилмоқда.

Унга кўра, жамоатчилик назорати субъектлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда тайёрланган якуний ҳужжатни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун асосида нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида, соҳадаги айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорлари сезиларли даражада камайтирилмоқда. Шунингдек, одавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига дахлдор бўлган айрим масалаларга аниқлик киритилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун лойиҳаси нодавлат-нотижорат ташкилотларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шаффофлигини ошириш ҳамда соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини йўлга қўйишга хизмат қилади.

●*Қонун кўмаги*

Низоли

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, вилоят солиқ бошқармасининг 2023 йил 5 сентябрдаги буйруғига асосан, “Моҳир қўллар” масъулияти чекланган жамиятда камерал солиқ текшируви ўтказиш белгиланган.

Текширув якуни бўйича эса, хулоса тузилиб, масъулияти чекланган жамиятга солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиш ҳақида талабнома юборилган.

Аммо масъулияти чекланган жамият томонидан талабномага асосан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ҳамда асослар тақдим қилинмаган. Шу сабабли, солиқ бошқармасининг 2024 йил 1 февралдаги буйруғига кўра, “Моҳир қўллар” масъулияти чекланган жамиятда солиқ аудити текшируви ўтказиш белгиланган.

Ўтказилган текширув натижалари юзасидан солиқ бошқармасининг 2024 йил 11 апрелдаги қарори билан масъулияти чекланган жамиятга:

- 2022 йил учун фойда солиғига 343 763,7 минг сўм, кечиктирилган ҳар бир кун учун 17 995,05 минг сўм пеня;

- 2023 йил 2-чорак бўйича фойда солиғига 460 644,7 минг сўм;

- Солиқ кодексининг 224-моддасига асосан, 160 881,6 минг сўм, жами 983 285,05 минг сўм жарима ҳисобланган.

Шу ўринда ушбу низоли ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталадиган бўлсак, Хива туман ҳокимининг 2012 йил 1 майдаги 447-сонли қарорига асосан, Хива шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган умумий ер майдони 20 минг 848,83 квадрат метрдан иборат “Пахта тайёрлов маскани” бино ва иншоотлари ҳамда ер участкаси “Моҳир қўллар” масъулияти чекланган жамиятга тегишли бўлган.

Мазкур кўчмас мулк объекти туман ҳокимининг 2017 йил 22 мартдаги 865-сонли қарорига кўра, Хива шаҳрининг бош режасига асосан, ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш жараёнида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши, бино ва иншоотлар бузиб ташланиши белгиланган.

2019 йил 26 январда тарафлар ўртасида 40-сонли келишув шартномаси расмийлаштирилган. Унга кўра, мулк эгаси компенсация тўловидан воз кечиши ва Хива шаҳри ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда Қиёт маҳалласининг 858-сонли контуридан турар жой бинолари қуриш учун 3 гектар ер участкаси ажратиб берилишига келишилган. Бироқ вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги комиссиянинг 2019 йил 22 февралдаги йиғилишида ер участкаси алоҳида қимматли ерлар тоифасига кириши сабабли, бу келишув рад этилган.

Хива шаҳар маъмурий судининг 2020 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ҳокимлик зиммасига 20 минг 848,83 квадрат метр ер майдонини масъулияти чеклаган жамиятга Хива шаҳар ҳудудидан ажратиб бериш мажбурияти юклатилган.

Келишув шартномаси мажбуриятлари Хива шаҳар ҳокимлиги томонидан бажарилмаганлиги боис, масъулияти чекланган жамият мутасаддилари судга мурожаат қилган.

Хива шаҳар маъмурий судининг 2020 йил 29 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ҳокимлик зиммасига 20 минг 848,83 квадрат метр ер майдонини масъулияти чеклаган жамиятга Хива шаҳар ҳудудидан ажратиб бериш мажбурияти юклатилган.

Аммо шаҳар ҳокимининг 2021 йил 10 апрелдаги 224-сонли қарори билан “Моҳир қўллар” масъулияти чекланган жамиятга суд қарорида кўрсатилганидан анча кам, аниқроғи, 6 минг квадрат метр ер участкаси ажратиб берилган, холос.

Ўз навбатида, компенсация тўлиқ берилмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси масъулияти чекланган жамият манфаатини кўзлаб, судга мурожаат қилади. Вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 1 мартдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Боғот туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан, Хива шаҳар ҳокимлигидан “Моҳир қўллар” масъулияти чекланган жамият фойдасига 3 миллиард 70 миллион 965 минг сўм компенсация суммасини ундириш белгиланади.

Солиқ бошқармаси томонидан текширув давомида жамиятнинг банк айланма ҳаракатлари ўрганилганида, жамият ҳисоб рақамига етказилган зарарни қоплаш учун 100 фоиз тўлов, жами 3 миллиард 70 миллион 965 минг сўм ўтказилганлиги аниқланган.

Ушбу аниқланган суммага нисбатан Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисми 17-банди ва 301-моддасини қўллаб, фойда солиғи ҳисобланган.

Айтиш керакки, Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисми 17-бандига кўра, қарздор томонидан эътироф этилган ёхуд қарздор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳужжати асосида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялар, шунингдек, зарарларнинг ўрнини қоплаш суммалари даромадга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2021 йил 9 июнга қадар амалда бўлган **“Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”**ги Низомнинг 37, 38-бандларида, мулкдорларнинг розилиги олингандан сўнг инвестор, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мулкдор ўртасида уч томонлама келишув имзоланиб, нотариал тартибда тасдиқланиши, компенсация миқдори, турлари ва уни бериш муддати келишувда назарда тутилиши қайд этилган.

■ Моҳият

КОРРУПЦИЯ — жамият ривожидаги хавфли иллат



Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш коррупциянинг олдини олиш бўйича “йўл харита”сини ҳар йили ҳудудлар кесимида тасдиқлаб, унинг ижросини назорат қилиб борадиган тизим яратилади. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, бу ишлар кенгайтирилган йиғилишдан кейин бошлаб юборилган бўлса-да, энди айни амалиёт тизимли йўлга қўйилади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳужжатлар, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган бўлиб, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида дастуруламал ҳисобланади.

Фармон билан соҳани тартибга солиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқлангани жуда муҳим. Яъни 5 мартда бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича 21 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши белгиланди. Шу билан бирга, ҳудудларда, барча давлат органлари ва ташкилотларида амалга ошириладиган ишлар юзасидан 36 та топшириқдан иборат амалий чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Эндиликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш коррупциянинг олдини олиш бўйича “йўл харита”сини ҳар йили ҳудудлар кесимида тасдиқлаб, унинг ижросини тизимли равишда назорат қилиб боради. Шуни ҳам қайд этиш жоизки, бу ишлар кенгайтирилган йиғилишдан кейин бошлаб юборилган бўлса-да, энди айни амалиёт тизимли йўлга қўйилади.

Ушбу тадбирлар доирасида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хусусан, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашишда парламентнинг роли оширишга қаратилган вазифалар ҳам кўзда тутилмоқда. Бу борада, жумладан:

• ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

• вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодларни кўриб чиқишда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тартибни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш;

• кибермаконда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича халқаро тажриба асосида мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш белгиланди.

Бундан ташқари ишчи гуруҳлари тузган ҳолда, ҳар ойнинг 1–5 саналарида режа асосида **“Жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталиги”** ўтказилади. Ҳафталик доирасида “қизил” тоифадаги маҳаллаларда жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, туман (шаҳар) ҳамда ҳудудлар прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш ҳамда туман (шаҳар) ва маҳаллаларда илгари сурилган халқчил ташаббуслар асосида қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти ҳам янги тартиб асосида йўлга қўйилади. Бу ўринда эндиликда секторлар ишига Бош вазир ўринбосарлари ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул этиб белгиланганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётда коррупциявий омилларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар доирасида давлат харидларидан тортиб, қурилиш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишгача барчаси қамраб олингани коррупциявий омилларга барҳам бериши билан ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи қатор қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Яна бир муҳим жиҳат: вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрсатиладиган барча давлат хизматларини аҳолининг ўзи баҳолайдиган тизим жорий этилиб, кўрсатган хизматлари аҳоли томонидан “қониқарсиз” деб баҳоланган вазирлик, идора раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг шахсий жавобгарлиги белгиланди. Бу янгича ёндашув ҳар бир соҳа, тармоқ, ҳудуд раҳбарлари масъулиятини ошириши баробарида, кўрсатиладиган давлат хизматлари сифати янада яхшиланишига замин яратади.

Шунингдек, онлайн платформа ишга туширилади. Сунъий интеллект асосида аҳолига ўзининг кундалик саволларига мобиль телефон орқали жавоб олиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, адвокатлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, фуқароларга сифатли юридик ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилади.

Мухтасар айтганда, ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлашда нафақат масъул органлардан, вазирлик ва ташкилотлар ёки раҳбар ходимлардан, балки биз – халқ вакилларидан ҳам қатъий интизом, катта масъулият ва энг асосийси, ватанпарварлик талаб этилади. Қолаверса, фуқаролик жамияти, ҳар бир фуқаронинг бу иллатга қарши курашишда, унинг олдини олишда бефарқ бўлмаслиги, фаол бўлиши фарзу қарздир.

■ Эҳтиром

Салоҳият, садоқат ва фидокорлик намунаси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мавжуда Ражабова 1955 йил 5 май куни Бухоро вилояти Шофиркон туманида зиёли оилада туғилган. У болалигиданоқ билимга чанқоқ, фаол ва фидойи инсон сифатида камол топди. 1973 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирган. Истеъдоди, меҳнатсеварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги натижасида талабалик давридаёқ “Ҳурмат белгиси” ордени билан тақдирланган.

Университетни имтиёзли диплом билан тамомлагач, М.Ражабова ўз фаолиятини прокуратура органларида бошлади. Файзулла Хўжаев тумани прокуратурасида дастлаб иш ўрганувчи, кейинчалик терговчи, Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тергов қисмининг прокурори, катта прокурори, Тергов бошқармасининг прокурори, катта прокурори, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директорининг ўқув ишлар бўйича ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Мавжуда Раджабова 1996 йили жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суди раиси лавозимига тайинланиб, 2005 йилгача ушбу масъулиятли лавозимда фаолият юритди. Ушбу давр мобайнида суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятларга қатъий ҳуқуқий баҳо бериш ва жазони адолатли қўллашда янгича ёндашувларни амалиётга татбиқ этди.

Мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий этилган тарихий ислоҳотлар даврида, яъни 2005 йили у Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, кейинроқ Сенат Раисининг ўринбосари лавозимига сайланди. Ушбу фаолияти давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш ва парламент фаолияти самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Сенат Раисининг ўринбосари сифатида у парламентнинг қонунларни маъқуллаш жараёни, халқ депутатлари кенгашларига услубий ёрдам кўрсатиш, парламент назоратини изчил олиб боришга катта ҳисса қўшди. Бундан ташқари М.Ражабованинг таҳрири ва масъул муҳаррирлигида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар, “Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва оммавий ахборот воситалари” номли амалий қўлланма ҳам чоп қилинган.

Мавжуда Ражабова амалий фаолиятини илмий-педагогик фаолият билан узвий уйғунлаштирган. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти аспирантурасига сиртдан ўқишга кириб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ғ.Аҳмедов раҳбарлигида 1996 йилда “Шариатда жиноят ва жазо” мавзусида номзодлик, 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашда “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ислом ҳуқуқи бўйича олиб борган тадқиқотлари халқаро аҳамиятга эга бўлиб, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда назарий асос сифатида хизмат қилмоқда.

У илмий-педагогик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Прокурор назорати» ва «Мусулмон ҳуқуқи» фанлари бўйича машғулотлар ўтказишдан бошлаган. Кейинчалик у Тошкент ислом университети ва Тошкент халқаро ислом академиясида «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят процесси» ва ислом ҳуқуқида жиноят ва жазо масалалари бўйича маърузалар ўқиди.

Мавжуда Ражабова юридик фанлар доктори ёки номзоди илмий даражаси учун ҳимоя қилинган йигирмадан ортиқ тадқиқотларда расмий оппонент сифатида иштирок этди ва ҳамон ҳуқуқий фанлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Профессор Мавжуда Ражабова 200 дан зиёд илмий мақола ва тўққизта фундаментал асар муаллифи бўлиб, “Ислом ҳуқуқи: жиноят ва жазо”, “Диний экстремизм ва террорчилик”, “Сенат ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари” каби асарлари ҳуқуқшунослик таълими ва амалиёти учун муҳим қўлланмага айланган. Унинг раҳбарлигида олти нафар тадқиқотчи илмий даражага эришгани, ўз ўрнида, устозлик фазилатининг ёрқин намунасидир.

Мавжуда Ражабованинг меҳнатлари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган: у “Меҳнат шуҳрати” ордени, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи каби мукофотларга муносиб деб топилган. Айни пайтда у Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишларда ўз илмий ва амалий ҳиссасини қўшишда давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, профессор Мавжуда Ражабова — ҳақиқий зиёли, нафосат ва мурувватни ўзида мужассам этган педагог олима. Унинг 70 баҳори – фақат биологик ёш эмас, балки маънавий камолот ва фидокорлик рамзидир.

Фозилжон ОТАХОНОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Ҳаётда пешона тери тўкмай енгил йўл билан бойлик орттиришга уринган кимсаларнинг қилмиши ҳамиша аянчли якун топган. Чунки бундай нопок йўл кишини нафақат бадном қилади, балки тегишли жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради.

■ Жиноят ва жазо

Тўғри йўлдан адашганлар ҚИСМАТИ

Масалан, Қўшкўпир туманидаги Ошоққалъла маҳалласида яшовчи Ризо Рўзиматов, Асрор Ражабов, Ҳаёт Ҳасанов, Улуғбек Юсупов ҳам ҳаётнинг тўғри, равон ва фаровон турмушга элтувчи йўл қолиб, қора қилмишга — гиёҳвандфурушликнинг чиркин гирдобига ўзини уришди. Ҳамтовоқлар инсон умрини заҳарлаш, унга рахна солишга қаратилган жиноий қилмишни узоқни кўзлаган ҳолда бошлашди. Аввалига эл кўзидан пинҳона ва хуфёна тарзда содир этилган қилмишлар бесамар кетмади. Катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаси ана шу бадният кимсаларнинг қўлига тушиб, меҳнатсиз бойиш манбаига айланди. Бироқ қинғирликнинг умри қисқа ва бошида иллати борнинг тиззаси қалтирайди. Айни шундай ҳолат 2023 йилнинг 26 октябрь тунида Урганч туманидаги “Чолиш” йўл-патрул хизмати масканида рўй берди. Вилоят ҳудудидан чиқиб кетаётган “Cobalt” русумли “90 E 685 SA” давлат рақам белгили автоулов ҳайдовчисининг бежо ҳаракати ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларининг эътиборини ўзига тортмай қолмади.




“Ҳаёт Ҳасановман. Қўшкўпир туманининг Ошоққалъа маҳалласида яшайман. Тошкентга йўловчи ташиш билан шуғулланаман, ҳозир ҳам шу йўналиш бўйича кетяпман”, — дея жавоб берди автомашина ҳайдовчиси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари саволларига.

(Давоми 4-бетда) ▶

қарор

қонуний ечим топди



Мазкур Низом талабларидан келиб чиқиб айтганда, келишув компенсация тўлаб бериш учун асос бўлувчи ҳужжат ҳисобланади. Бироқ келишув асосида масъулияти чекланган жамиятга ер участкаси ажратиб берилмаган.

Суд қарори билан эса, ер участкаси эмас, балки давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши белгиланган ер участкасига тенг пул маблағи ундириш белгиланган.

Яна бир эътиборли томони, туман ҳокимлиги масъулияти чекланган жамиятдан қарз олмаган, шу боис, улар ўртасида қарз муносабатлари вужудга келмаган. Компенсация суммаси — шартнома мажбуриятларини бузганлик учун тўланиши лозим бўлган жарималар, пенялар ва бошқа санкциялардан келиб чиқмаган. Қолаверса, компенсация суммаси 2023 йилда тўлаб берилган.

Бунда масъулияти чекланган жамиятга бузилишга тушган ер участкаси ва бино-иншоотларига тенг компенсация берилган, бу ҳолатда жамият кўчмас мулк объектини йўқотган. Лекин потенциал равишда шунга тенг қисман ер участкаси ва пул маблағи олган.

Бухгалтерия ҳисоботида йўқотилган кўчмас мулк юқорида қайд этилган туман ҳокимининг 2017 йил 22 мартдаги 865-сонли қарори бўйича асосий воситаларни тугатиш сифатида бошқа харажатлар ҳисоботида акс эттирилади. Бу – сотиш эмас, балки кўчмас мулк объектини тугатиш бўлган.

Кейинчалик олган компенсация суммаси актив қийматга киритилади.

Компенсация суммаси дастлабки бузилишга тушган ер участкаси қийматига тенг бўлганлиги учун солиқ солиш объектига, яъни солиққа тортиладиган даромадга кирмайди.

Солиқ кодексининг 42-моддасига кўра, нафни баҳолаш имконияти мавжуд бўлган тақдирда ва бундай нафни баҳолаш мумкин бўлган даражада ҳисобга олинадиган пул ёки натура шаклидаги иқтисодий наф даромад деб эътироф этилади. Мазкур кодекснинг 297-моддасида жами даромадларга таъриф берилган бўлиб, ер участкасининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга берилган компенсация даромад сифатида келтириб ўтилмаган.

Шу каби Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган “Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низомда ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши сабабли асосий воситаларнинг корхона балансидан чиқиб кетиши назарда тутилмаган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 266^7-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, суд шикоятни (протестни) тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг қарорларини қисман бекор қилишни, бекор қилинган қисми бўйича аризани қисман қаноатлантириб, низоли қарорнинг 2023 йил иккинчи чорак бўйича фойда солиғига 460 миллион 644 минг 700 сўм ва унга ҳисобланган 92 миллион 128 минг 940 сўм жарима қўллаш қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топди.

Шундай қилиб, Урганч туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 12 июндаги ҳал қилув қарори, Хоразм вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2024 йил 29 июлдаги қарори ва вилоят маъмурий суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 22 октябрдаги қарори қисман бекор қилинди. Вилоят солиқ бошқармасининг 2024 йил 1 апрелдаги 193-сонли қарорининг 2023 йил 2-чорак бўйича ҳисобланган фойда солиғи ва унга ҳисобланган жарима қисми ҳақиқий эмас, деб топилди.

Солиқ идорасининг низолашилган қароринининг қолган қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги, 2022 йил учун фойда солиғи тўғри ҳисобланганлиги сабабли, низолашилган қароринининг шу қисмини рад этиш ҳақидаги қуйи инстанция судларининг хулосалари ўзгаришсиз қолдирилди.

Дурдона АБДУҚАҲҲОРОВА,
Олий суд судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

1928 йилнинг кеч кузаги эди, шекилли (биз шаҳар ҳовлига кўчиб тушган эдик), шу Алимат тоға Тошкентга охирги марта келди (шу келишидан кўп ой ўтмай, у кишининг вафот этганини эшитдик. Айтишларича, қароқчилар томонидан фожиали ўлдирилган) ва бизникида бир кеч меҳмон бўлди: бибим, Алимат тоға, дадам сандалда сўзлашиб ўтиришди. Шунда Алимат тоға дадамга шундай дегани эсимда:

— Сизга ғулжаликлардан кўпдан-кўп салом, мулла Абдулла. Улар сиздан юз дона “Ўтган кунлар” бериб юборишни илтимос қилишди. Ҳар бир китобингизга бир қўй ёки қўй баҳосида пул оласиз...

— Китобимни ҳукуматга сотганман, — дедилар, узр айтиб дадам, — бунча китоб менда ҳам, дўконларда ҳам, ҳатто босмахонада ҳам қолмаган, тоға. Агар ўзингизга бир-икки дона сўрасангиз, топилар...

“Ўтган кунлар”ни мен ўн ёшимда (1928 йили) ўқиганман. У, гарчи тўлиқ тушуна олган бўлмасам-да, ҳаётимда биринчи ўқиган китобим. Китобни ўқиш вақтим шундай кўнгилсиз тарихга тўғри келган:

...боғ кўчамизнинг охирида, Бўзсув яқинида, Йўлдош гаранг деган бир қўшнимиз бўларди. Ўзи қирқ-эллик ёшларда, фирқа аъзоси, қулоғи оғир бўлишига қарамай гапдон, Чорсудаги ов дўконида мудир бўлиб ишлар эди. Йўлдош амаки баъзан бизникига кириб, дадам билан гурунглашиб ўтирар, дадам ҳам бозорга тушганда гоҳо унинг дўконига кириб, сўзлашиб ўтар эдилар.

Ёз ойлари, “Ўтган кунлар”ни қизиқиб ўқиб юрган чоғларим эди. Бир кун эрталаб уйғониб, Йўлдош амакининг ўлдирилганини эшитдим... Йўлдош амакини биров тун ярмида чақириб келади. У кўйлакчан “Ким?” деб чиқиб, дарвозани очади. Очиши ҳамон чақирувчи кимса унинг кўкрагига пичоқ солади ва қочади. Хавотирланиб кетма-кет чиққан хотини эса, эрини ўлим талвасасида кўради ва сўнгги икки оғиз сўзини эшитади, холос: “Маҳмуд, Маҳмуд...” Маҳмуд уларнинг девор қўшниси, уни ҳамма Маҳмуд ўғри, деб атар эди, Йўлдош амакининг ўлдирилишини қандайдир ўзаро хусуматдан, дейишади...

● *Тарих тилсимлари*



ҚОДИРИЙНИ йиғлатган Кумуш

1929 йилнинг ўрталарида “Шарқ ҳақиқати” газетасининг бир неча сонларида Сотти Ҳусайннинг “Ўтган кунлар” ҳақида ёзган ўн бешлаб танқидий мақолалари босилиб чиқди, аҳллар ўртасида бирмунча шов-шувга сабаб бўлди. Ёдимда, ўшанда маҳалламизнинг бир неча ёш йигитлари кўчада газета ўқиб ўтириб, менга “Ҳабибулланинг дадасини Сотти Ҳусайн роса тузлаяпти-да” деб қочириқ қилишгани ва менинг аччиғланганим...

Дадам шу куни марҳумнинг жанозасига қатнашдилар. Тасодиф, шу воқеа куни мен “Ўтган кунлар”дан “Душанба кун кечаси” бобини ўқидим. Бир ёқдан Йўлдош амаки фожиаси, иккинчи ёқдан “Душанба куни...” даҳшати бир бўлиб, мени қаттиқ изтиробга солган экан, шекилли, шу кун тунда “Ол, Маҳмуд ўғри келяпти! Йўлдош амакига пичоқ солди! Мутални бўғди! Содиқни ўлдирди!” деб алаҳлайверибман. Ойим-дадамларга уйқу бермабман. Дадам: “Нега китобни ўқишга бердинг, ўлганникига чиқардинг!” (шу кун “томоша” қилгани ўртоқларим билан жанозага ҳам борган эдим) деб ойимни койиб чиқдилар. “Қўрқма-қўрқма” деб мени ўз ёнларига олиб ётдилар. Эрталаб турсам, лабларимга учуқ тошган, китобим қўйган еримда йўқ эди... Уни анча вақтгача йўқотиб, ўқий олмай юрдим...

1929 йилнинг ўрталарида “Шарқ ҳақиқати” газетасининг бир неча сонларида Сотти Ҳусайннинг “Ўтган кунлар” ҳақида ёзган ўн бешлаб танқидий мақолалари босилиб чиқди, аҳллар ўртасида бирмунча шов-шувга сабаб бўлди. Ёдимда, ўшанда маҳалламизнинг бир неча ёш йигитлари кўчада газета ўқиб ўтириб, менга “Ҳабибулланинг дадасини Сотти Ҳусайн роса тузлаяпти-да” деб қочириқ қилишгани ва менинг аччиғланганим...

Қўшни Сузук ота маҳаллалик марҳум ёзувчи Ҳабиб Нўъмон шундай ҳикоя қилади:

— “Ўтган кунлар”ни ўқиб, Абдулла акамнинг суҳбатини эшитишга муштоқ вақтларим, Сотти Ҳусайннинг “Ўтган кунлар” ҳақида танқидий мақолалари босиб турган вақтлар эди. Бир куни қўшнимиз Усмон ака (Усмон Муҳаммаджонов бизга боғ қўшни, дадам билан тенгдош, болаликдан ўртоқ, савдо ходими, пенсионер, 1979 йилда вафот этди — Ҳ.Қ.) билан Чўпонотага — далага бора туриб, боғлари ёнидан ўтдик-да, Усмон ака “Юр, бир Абдуллани кўриб ўтайлик” деди. Мен бу таклифни мамнун қабул қилдим. Боғларига кирдик. Абдулла акам юмуш қилиб юрар эканлар, бизни қаршилаб, янги солинган чиройли шийпонларига ўтказдилар, чой-нон қилдилар. Бирмунча сўзлашиб ўтирдик. Усмон ака Абдулла акамга ҳазил қилди:

— Бу, Абдулла, дейман, “Ўтган кунлар”ингни Сотти Ҳусайн газетада роса боплаяпти-ку?..

— Ҳа, танқидчи ёмонламай мақтасинми? — дедилар кулиб Абдулла акам.

— Сен индамайсан... жавоб қилмайсан ҳам...

— Қани, у айтадирганини айтиб бўлсин-чи, бир гап қилармиз...

— Нима қиласан, китобингни тузатасанми?

— Тушунмайсан, Усмон, — дедилар Абдулла акам кулиб, — танқидчи ёзаверади... Масалан, мана шу шийпонни олайлик: буни мен ўз дид-таъбимга мувофиқ қурганман. Энди биров келса-да, “Эй, Абдулла, менга шийпонинг маъқул тушмади, манавиндай қуришинг керак эди” деса: “хўп” деб бузиб, қайтадан қуришим керакми?

Усмон ака Абдулла акамнинг жавобига қарши бир нарса дея олмади. Жавоб менга маъқул тушди.

Сотти Ҳусайннинг танқидлари қанчалик ҳақ-ноҳақ бўлганини қизиққан адабиётчиларимизнинг текширишларига ҳавола қиламиз. Бизга кераклиси шуки, кейинчалик билишимча, С.Ҳусайн бу мақолалари билан ёзувчини мунозарага чақирмоқчи бўлади. Бироқ негадир Қодирий мунозарага киришмай, юқорида Усмон ака айтгандай, сукут сақлайдилар. Фақат С.Ҳусайннинг танқидий мақолалари босилиб бўлгач, унга “Ўтган кунлар” ҳам “Ўтган кунлар” танқиди устида баъзи изоҳлар” номли кичкина бир жавоб ёзадилар, холос.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар бутун умрини ҳалолликка, адолат барқарорлиги, қонун устуворлигини таъминлашга бағишлайди. Ҳамкасбимиз Салима Ишанқулова ҳақида фикр юритганда, беихтиёр шу фикрлар ёдга тушади.

■ Ёднома

ХОТИРАСИ АБАДИЙ ЁДИМИЗДА ҚОЛАДИ



Салима Ишанқулова 1957 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Болалигидан зукко, ҳақиқатпарвар, билимли бўлиб улғайди. Мактабда барча фанларни яхши ўзлаштирди. У ёшлигидан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиларди. Шу боис меҳнат фаолиятини 1974 йилдан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг котиби вазифасидан бошлади. Устозларидан судда иш юритишнинг тартиб-қоидаларини ўрганди.

Йиллар ўтган сари у ҳаёт тўлқинларида тобланиб борди. 1982 йилда Тошкент давлат университетини битириб, ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлди. Судда таржимон, суд мажлиси котиби, маслаҳатчиси вазифаларида фаолият юритди.

Энди уни судьяликдек шарафли лавозим кутиб турарди. 2000 йилга келиб Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг судьяси лавозимига тайинланди.

Салима Ишанқулова ўта талабчан, тўғрисўз, айтган гапининг устидан чиқадиган инсон эди. У узоқ йиллар судья сифатида фуқаролик судларида самарали фаолият юритди. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа ҳамда Шайхонтоҳур туманлари судларида раис бўлди. Кейинчалик Тошкент шаҳар судида ишлади.

Қаерда бўлмасин, адолат тарозисини тенг қўйиш Салима Ишанқулованинг фаолият мезони бўлди. Умрининг 22 йилини судьялик касбига бағишлади. Айни пайтда опанинг шогирдлари пойтахт фуқаролик судларида фаолият олиб бормоқда.

Салима опа 2022 йили нафақага чиқди, 65 ёшга тўлиши муносабати билан у “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Давлатимиз томонидан С.Ишанқулованинг меҳнатлари муносиб баҳоланди. У 2011 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишони, 2013 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

С.Ишанқулова оилада меҳрибон она эди, уч фарзанд – икки нафар ўғил, бир нафар қизни тарбиялаб вояга етказди, олий маълумотли қилди. Фарзандлари айни пайтда халқимизга, Ватанимизга муносиб хизмат қилмоқда.

С.Ишанқулова сўнгги пайтда оғир хасталик билан курашаётган эди. У 2025 йил 20 апрель куни 68 ёшида бу ҳаётни тарк этди. Салима опанинг порлоқ хотираси оила аъзолари, яқинлари ва ҳамкасблари ёдида абадий сақланиб қолади.

Тошкент шаҳар суди жамоаси



■ Жиноят ва жазо

Тўғри йўлдан адашганлар ҚИСМАТИ

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидай. Аммо коса тагида нимкоса ҳам бор ва у ҳали бўй кўрсатганича йўқ. Ўша “нимкоса”ни йўл-назорат маскани ходимлари кўтаришди. Автомашинанинг орқа ойнаси олдидан қандайдир бир бўлак жигарранг моддани топиб олишди. Кейин аниқланишича, бу модда вазни 97,56 граммга тенг “тарьяк” гиёҳвандлик воситаси экан.

Шундан сўнг изқуварлар сўраб-суриштириб, калаванинг учини топишга муваффақ бўлишди. Назорат ходимларининг аксарияти ўша тунни бедор ўтказишди: дастлаб ножўя қилмиш устида қўлга тушган Ҳ.Ҳасановнинг уйига боришди. Улар излаган матоҳ ётоқхонадаги темир печка ичидан топилди — 2 та 1 литрлик шиша идишларга жойланган номаълум модда пировардида вазни 108,52 граммдан иборат кўп миқдордаги “марихуана” (кандир) гиёҳвандлик воситаси бўлиб чиқди. Ҳ.Ҳасанов ушбу заҳри қотилни сотиш учун ҳозирлаб қўйгани, аммо бу ишни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, охирига етказа олмагани маълум бўлди. Ҳ.Ҳасанов чорасиз қолгач, айбини тан олди.

Орадан кўп ўтмай Ҳ.Ҳасановнинг автомашинасидан топилган “юк” қаердан келиб қолгани ҳақидаги саволга ҳам жавоб топилди. “Юк” аслида Ҳ.Ҳасановнинг яқин қариндоши Р.Рўзиматовга тегишли бўлиб чиқди. Аниқланишича, у Ҳ.Ҳасановдан гиёҳвандлик воситасини Тошкентга олиб боришни илтимос қилган. Ўз навбатида, Р.Рўзматовлар хонадонига куёв бўлмиш Ҳ.Ҳасанов бу сўровни рад этмаган. “Юк”ни юқорида қайд этилганидек, автомашинанинг орқа ойнаси олдига жойлаган. Р.Рўзматов ҳам куёвининг хизматини “муносиб” тақдирлаган. Яъни у Ҳ.Ҳасановнинг гиёҳвандлик касалига чалинганини назарда тутиб, унга 1,06 граммга тенг гиёҳвандлик моддасини тортиқ этган.

Бунинг устига, вазни салкам 100 граммдан иборат гиёҳвандлик воситаси Р.Рўзиматовнинг қўлига ҳам ўз-ўзидан келиб тушмаган. Аниқроғ айтадиган бўлсак, қўшкўпирлик бу кимсалар ўзларини мунтазам равишда гиёҳвандлик воситаси билан таъминлаб келган Тошкент шаҳрида яшайдиган Алишер Тўлагановдан (А.Тўлаганов ва унинг шериклари оид жиноят иши алоҳида ажратиб олинган ҳолда тергов қилинган ва судга ўтказилган) 2023 йилнинг сентябрь ойи бошларида кўтарасига сотиб олган. Ўз навбатида, Р.Рўзиматов харид қилинган гиёҳвандлик моддасининг 569,56 грамми, шунингдек, 56,44 грамм оғирликдаги “героин” гиёҳвандлик воситасини ҳамкишлоғи Асрор Ражабовга насия тўлов эвазига сотган. Ҳамтовоқлар ўртасида “тарьяк”нинг ҳар бир грамми — 14, “героин”нинг ҳар грамми эса, 50 АҚШ долларига баҳоланган. Кейинчалик Р.Рўзиматов А.Ражабовдан ҳали ҳақи тўланмаган 569 граммдан кўпроқ оғунинг 100 граммини қайтариб олган ва Тошкентга олиб бориш учун Ҳ.Ҳасановга берган. Бироқ юқорида баён этилганидек, Ҳ.Ҳасанов ўз жиноий қилмишини охирига етказолмади.

Шундан сўнг Ҳ.Ҳасановнинг уйида ўтказилган текширув тадбири орадан кўп ўтмай Р. Рўзиматовга қарашли бир неча хонадонда ҳам давом эттирилади. Бу жараёнда унинг Ошоққалъа маҳалласидаги уйидан, 8,42, Дарбанд кўчасидаги уйидан — 4,61, “Чаманзор” маҳалласидаги хонадонидан — 21 килою 421,27 грамм “тарьяк”, 4 килою 322,75 грамм “героин”,134,1 грамм “марихуана” моддаси, 9,99 грамм оғирликдаги “метамфетамин” дориси топилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, яна бир гумондор А.Ражабовнинг чўнтагидан — 2,63, уйидан эса, 469,37 грамм миқдорида “тарьяк”, 56,44 грамм “героин” гиёҳвандлик воситаси, унинг отаси Улуғбек Юсуповнинг кийимлари орасидан эса, 0,61 грамм “тарьяк” гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинади.

Тадбир жараёнида Ҳ.Ҳасанов бошқариб келган автоулов яна бир марта кўздан кечирилганда, яна 3,36 грамм оғирликдаги “марихуана” гиёҳвандлик моддаси яшириб қўйилгани маълум бўлди.

Ҳукмингизга ҳавола этилган факт ва далиллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан амалга оширилган тадбир давомида умумий вазни 30 килога яқин ўткир таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари савдоси ва истеъмолининг олди олингани, шу йўл билан неча минглаб кишиларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақлаб қолинганидан дарак беради.

Айбланувчилар пировардида ўтказилган тергов ва суд жараёнида чоғи мусодара этилган гиёҳвандлик воситаларини сотиш, фойда кўриш, мўмай молдунё орттириш учун эмас, балки ўзлари истеъмол қилиш учун асраб юришганини пеш қилишди. Аммо бу масалага ҳам тўлиқ аниқлик киритилди. Қарийб 30 килодан иборат “ажал уруғи” юқорида исм-шарифи зикр қилинган кимсалар томонидан истеъмол этилиши ҳақидаги важ- баҳоналар асоссиз эканлиги, айбланувчиларнинг деярли бари (У.Юсуповдан ташқари) гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси билан мунтазам шуғулланиб келгани кундай равшан бўлди.

Суд жиноий қилмиш қатнашчиларига нисбатан қўйилган айбларнинг деярли барини эътироф этди. Судланувчи Р.Рўзиматов Жиноят кодексининг гиёҳвандлик моддаларини тақиқланган йўллар ва усуллар билан мамлакатмизга олиб кириш ҳамда чиқариш — контрабандага оид 28, 246-моддаси 2-қисмида (у тергов чоғи ана шу модда бўйича ҳам айбланган) назарда тутилган айбни содир этмагани боис оқланди. Лекин ушбу кодекснинг 273 ҳамда 25, 273-моддалари (оғуфурушлик ва унга суиқасд) 5-қисми, 276-моддаси (гиёҳвандлик)нинг 2-қисми “а” бандига асосан, жазоларни қисман қўшиш асносида, жами 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Айни шундай айб А.Ражабовга нисбатан ҳам татбиқ этилди. Айбланувчига жами 12 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳ.Ҳасановнинг қилмиши эса, Жиноят кодексининг 28 ва 25, 273-моддалари 5-қисми, 276-моддасининг 1-қисми бўйича малакаланди. У 10 йилу бир ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми бўйича айбланган У.Юсупов эса, иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолган ҳолда, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига маҳкум қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаётда қинғирликнинг умри қисқа эканлиги аллақачон ўз исботини топган. Буни юқорида тафсилоти ҳукмингизга ҳавола этилган жиноий қилмиш ва унга берилган қонуний баҳо мисолида ҳам кўриш мумкин. Мажозий маънода айтадиган бўлсак, ушбу жирканч қилмишга бош қўшган кимсалар ўт-олов билан ўйнашгувчи парвонадан андоза олишди. Ўзларини мисоли ўша жонзот янглиғ аланга қаърига отишди. Уйида чирқиллаб қолган зурриётлари, ота-онаси, суюкли ёстиқдоши ва яқинларининг тақдирига қўл силташди. Ҳаётда ҳеч нарсага алмашилмайдиган тинч, осуда, бахтиёр турмушдан кўра айрилиқ ва азоб-уқубатга тўла эрксиз ҳаётни афзал билишди. Инсон зоти бу каби жирканч кирдикорлар ва унинг ажри учун эмас, аксинча, бахтли ҳаёт учун яралган. Буни доимо ёдда тутиш лозим.

Муродбек ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди раиси,
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч – адолатда” мухбири

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шуҳрат ПОЛВАНОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ, Жамшид САДИНОВ, Муродулло ҚОДИРОВ, Замира ЭСАНОВА, Азиз АБИДОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6048
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20^{00}. Топширилди: 21^{50}.